



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 31 май, № 107 (8730)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ICESCO билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш таклиф қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Хива шаҳрида бўлиб ўтадиган Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирлари йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга келган Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Маликни қабул қилди.



Илм-фан, маданият, таълим ва туризм соҳаларида ушбу нуфузли минтақавий тузилма билан конструктив мулоқот ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

ICESCO бош директори самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатимизда бой илмий ва маданий меросни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган сиёсат натижаларини юқори баҳолади.

Ўзбекистон Президенти ташкилот билан ўзаро манфаатли ва жадал ҳамкорликнинг бугунги даражасини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган, 2020 йилда Бухоро шаҳри, 2025 йил

учун эса Самарқанд шаҳри ушбу мақомга эга бўлди.

Жорий йилда Хива Ислом дунёсининг туризм пойтахти ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги Халқаро ислом академиясида ICESCOнинг Ислом цивилизациясини ўрганиш бўйича махсус кафедраси фаолият юритмоқда.

Ҳамкорликнинг янги йўналишлари сифатида қўлзмалар ва бошқа тарихий ёдгорликларни сақлаш, реставрация қилиш бўйича тажриба алмашиш, бу борадаги лойиҳаларни амалга ошириш, араб тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқаро илмий ва маданий тадбирларни ташкил этиш белгилади.

Амалий шерикликни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ўзбекистонда ICESCOнинг минтақавий ваколатхонасини очиш масаласи ўрганилади.

МИСР БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ Қўллаб-қувватланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Миср Араб Республикаси Сенати раиси Абдулвахоб Абдулрозик бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида Сенат раиси Ўзбекистон етакчисига Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг самимий саломи ва эзгу тилаklarини ўтказди.

Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги кенг қамровли шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва қўқирғи ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражадаги мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Мисрнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда геология, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва туризм соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Парламентларо алоқаларни янада фаол ривожлантириш, қонун чиқарувчи органларда дўстлик гуруҳларини тузиш, олий даражадаги келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш бўйича тажриба алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро тузилмалар, жумладан, Парламентларо Иттифоқ, Қўшилмаслик ҳаракати ва Араб парламенти доирасида амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 май куни иқтисодий тармоқларида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Йилдан-йилга энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган замонда улардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу мақсадда 2024 йилда ҳудудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилди. Бу мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқаришга ҳалал бермаган ҳолда энергия истеъмолини самарали ташкил этиш орқали муайян ҳажмларни тежашни назарда тутди.

Шунингдек, истеъмолчиларни энергия аудитидан ўтказишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Унга кўра энергия аудити фақат халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилади. Аудит асосида ташкилот ва корхоналар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган

чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларнинг ижроси назорат қилинади.

Бу борада шаффофликни таъминлаш учун энергия аудити ҳуқуқлари ва ундан кейин эришилган натижалар йиллик бизнес режаларига киритилиб, қузатув кенгашида тасдиқланади.

Ҳар бир ташкилот раҳбарларига энергия самарадорлиги бўйича КР1 жорий этилади.

Шунингдек, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузганликларини учун амалдаги тарифга ўсувчи коэффицентини қўллаган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиш, истеъмолчилар томонидан мажбурий энергия аудити ўтказиш натижасида белгиланган чора-тадбирларнинг муддатида бажарилмаслиги, ушбу чора-тадбирлар бажари-

лишидан иқтисод қилиниши қутилган ёқилғи-энергетика ресурслари қиймати микдорида жерима қўллаш тартибини жорий қилиш масаласи ўрганилмоқда.

Яна бир таклиф — ташкилотлар, ҳудудлар ва кўчмас мулк объектлари кесимида энергия истеъмоли рейтингини жорий этиш. Бунда Энергетика вазирлиги томонидан энергия сизими энг юқори ва энг паст бўлганларнинг "10 талиги" юритилиб, оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

Тақдимотда энергияни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ва уни амалга ошириш чоралари атрофида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда чуқур ва пухта ишлаб

чиқиш, кўрсаткичларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамада киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Президент мутасаддиларга тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаш ва барча зарур чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, жумладан, электр ва иссиқлик станциялари узлуксиз ва барқарор ишлаши учун зарур ёқилғи ресурслари, бутловчи ва эхтиёт қисмларнинг захираларини шакллантириш, энергетика инфратузилмасини таъмирлаш ва модернизация қилиш юзасидан қарор кўрсатмалар берди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 17 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 30 мартда маъқулланган

Мамлакатимизда фармацевтика ва кимё саноатини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ривожлантириш ҳамда унга илгор илмий-техника ютуқларини ва инновацияларни жорий этиш бўйича кенг қўллашни ишлаб амалга оширилмоқда.

Дори воситаларини ишлаб чиқарувчиларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида мазкур Қонун билан «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига дори моддаларини (субстанцияларни) давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда. Шу билан бирга «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартибининг тасдиқлаш ваколатини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юкловчи, шунингдек рецептсиз ёки шифокор рецепти бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборотни уларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда ҳамда Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий бўюмлар ва тиббий техника давлат реестрида кўрсатиш талабини жорий этувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Учрашув

Ўзбекистон — Миср:

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР Янги босқичга кўтарилади

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Миср Араб Республикаси Сенати раиси Абдулвахоб Абдулрозик билан музокара ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Миср ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари, жумладан, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, туризм ва парламентларо алоқаларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми 2023 йилда ундан олдинги йилдагига нис-

батан 50 фоизга ўсгани алоҳида қайд этилди. Аммо бу борадаги имкониятдан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Шу боис томонлар икки давлат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва мавжуд салоҳиятни тўлалигича ишга солиш орқали кўрсаткичларни ошириш бўйича яқдид фикрда эканлигини билдирди.

➡ 2

АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Миср Араб Республикаси Сенати раиси Абдулвахоб Абдулрозик бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Мулоқот аввалида икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, мунтазам ва самарали мулоқотлари туфайли Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик муносабатлари аниқ

мазмун билан бойиб бораётгани қайд этилди.

Учрашувда делегация аъзоларига «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўллаш илоҳотлар, янги тахрирдаги Конституция нормаларини рўёбга чиқариш борасидаги сайёҳаракатлар ҳамда икки палатали парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги йўналиши, палатанинڭ қўмиталари, комиссиялари ҳамда депутатларнинг асосий вазифалари тўғрисида атрофида маълумот берилди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖАДИДЛАР МЕРОСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги фидойиликларини, ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш ва фаол тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни янада кенгайтириш, шунингдек, 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма), Маданий мерос агентлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг Бухоро шаҳридаги тарихий маскан — Ҳўжа Гўлроз кўчаси 13-уй манзилида жойлашган Ховли Поён мажмуасида **Жадидлар мероси давлат музейини** (кейинги ўринларда — Музей) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Музей фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жадидлик ҳаракатига оид мамлакатимиз ва хориздаги турли манбалар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш, тўплаш, сақлаш, ўрганиш, тиклаш, нусхалаш, эълон қилиш, улар асосида Музей фондини бойитиб бориш ва экспозицияларни яратиш, шунингдек, маданий-маърифий ва илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги ҳиссаси ва фидойиликларини ҳаққоний ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

Музей экспозицияларини яратишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

Музей Жамғарма тизимидаги киради ҳамда Музей фаолияти унинг биносида қурилиш-монтаж ишлари якунланганидан сўнг бошланади;

Музей биносини мукамал таъмирлаш, жиҳозлаш ва худудини ободонлаштириш, Музей экспозициясини яратиш билан боғлиқ харажатлар иловага мувофиқ ажратилган манбалар ҳисобидан қопланади;

Музейни сақлаш харажатлари — Бухоро вилояти маҳаллий бюджети маблағлари, Музейнинг ўз даромдлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

Музейга штат бирикларини ажратиш ҳамда ходимларга иш ҳақи тўлаш Маданий мерос агентлиги тизимидаги музейлар учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЖАДИДЛАР МЕРОСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

4. Жамғарма:

а) Маданий мерос агентлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Музей устандини тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва малакали мутахассислар билан тўлдирish ҳамда Музей фаолиятига кўмаклашиш юзасидан тегишли чоралар кўрсин;

б) Фанлар академияси, Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, "Ўзрив" агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Катагон курбонлари хотираси давлат музейи билан биргаликда:

Музейни жадидлиқ ҳаракати оид музей ашёлари ва коллекциялари билан тўлдириб боришни ташкил этсин;

ушбу мақсадда жадидлиқ ҳаракати оид ноёб китоб, кўлэзма, архив ҳужжатлари ва бошқа материалларни аниқлаш бўйича чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилишини йўлга қўйсин, шунингдек, аниқланган материалларни тасмирлаш ва рақамлаштириш чораларини кўрсин;

в) бир ой муддатда Музей фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, Музей биносини таъмирлаш, жиҳозлаш ва ҳудудини ободонлаштириш, Музей экспозициясини яратиш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

5. Маданий мерос агентлиги "Миллий меросга менин хиссам" умухалқ акцияси доирасида аҳолидан жадидлиқ ҳаракати оид тарихий материаллар, ашёлар, ноёб суратларнинг Музей учун харид қилиб борилишини таъминласин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Музейга хоржий давлатлардаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйишга кўмаклашсин.

7. Музейни ташкил этиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган музей ашёлари ва коллекциялари, китоб ва кўлэзмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, жиҳозлар, эктиёб қисмлар, металл конструкциялар, мебель ва инвентарлар 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Музей фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маданий ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси Г.О.Умеров ва Бухоро вилояти ҳокими Б.К.Зарипов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2024 йил 30 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бундан ташқари импорт ўрнини босувчи қимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш мақсадига «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига юридик шахсларга IV рўйхат доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим прекурсорларни тегишли лицензияларга асосан ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳуқуқини берувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун аҳолининг ва тadbirkорлик субъектларининг тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари тўғрисидаги хабардорлик даражасини оширишга, шунингдек инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратишга ҳамда қимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўлайитиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги 265-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 7, 449-модда, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 569-модда) 19-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирдa баён этилсин:

«Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда, шунингдек Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида кўрсатилади. Рецeптсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида ва ихтисослаштирилган босма нашрларда ҳам берилиши мумкин.

Рецeпт бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ва тиббий буюмлар ҳақидаги ахборот фақат тиббиёт ва фармацевтика ҳодимлари учун мўлжалланган ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда, шунингдек Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида бeрилади»;

4) 20-модданиннг иккинчи қисми қуйидаги тахрирдa баён этилсин:

«Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецeптлар бўйича ёки рецeптсиз амалга оширилади»;

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 7, 449-модда, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 569-модда) 19-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирдa баён этилсин:

«IV рўйхат доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим прекурсорларни ушбу Қонунда назарда тутилган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш юридик шахслар томонидан уларда муайян прекурсорларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун лицензиялар мажбурий бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Ушбу Қонуннинг 3-моддаси ушбу Қонун қучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 30 май
№ ЎРҚ—928

Ўзбекистон — Миср: ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Айни чоғда умумий дин, анъана ва урф-одатлар ўхшашлигидан келиб чиқиб, фан, таълим, санъат ва диний маърифат йўналишларида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот давомида парламентларо алоқалар, хусусан, икки давлат Сенатлари ҳамкорлигининг амалий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Парламентларнинг юқори палаталари қўмиталари ва девонлари ўртасида доимий мулоқот муҳимлиги айтилди.

Бундан ташқари, икки мамлакат раҳбарлари ўртасида эришилган олий даражадаги келишувларнинг ижроси устидан тизимли парламент назоратини ўрнатишга келишиб олинди.

Миср ва Ўзбекистон Сенатларида дўстлик гуруҳларини ташкил этиш, халқ вакиллик институтининг муҳим бўғини бўлган ҳудудий вакиллик органлари орасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилди.

Музокаралардан сўнг ҳамкорлиқни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Миср Араб Республикаси Сенати ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

Миср Араб Республикаси Сенати раиси Абдулваҳоб Абдулрозик Олий Мажлиси Сенатининг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдири.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Суҳбат чоғида "Ўзбекистон — Миср" парламентларо дўстлик гуруҳлари ўртасида мулоқот йўлга қўйилганига ургу берилиб, маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда фикрлашиш учун кенг платформа яратишга келишиб олинди.

Ўз навбатида, Миср Сенати раиси кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозанатли, очик ва конструктив ташқи сиёсат, кенг қўламини ислохотлар ва уларнинг натижаларини эътироф этиб, парламентларо ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ушбу йўналишдаги мулоқотларни қўлайитириш ҳар томонлама фойдали эканини ургулади.

Шу билан бирга, икки давлат ўртасида барча соҳада қўлаб келишувларга эришилгани, ўз навбатида, Ўзбекистон ва Миср парламентарийлари ҳам ушбу ҳужжатлар ижроси самарали бажарилиши устидан биргаликда иш олиб бориши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Самимий руҳда ўтган учрашувда икки томонлама муносабатларни янада юқори босқичга кўтариш, ишбилармонлик ва тadbirkорлик алоқаларини кенгайтириш, ўзаро инвестицияларни фаоллаштириш ҳамда савдо қўламини ошириш, туризм ва маданий соҳалардаги ишларни жадаллаштириш учун катта имкониятлар мавжудлиги ва булардан умумий фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Мулоқот якунида томонлар Ўзбекистон — Миср парламентларо алоқаларининг истиқболли йўналишларини белгиллаб олиш ҳамда бу борадаги амалий ҳамкорлиқни давом эттиришга келишиб олдилар.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт ЖОЙЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тоҳиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳудудларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ўз вақтида ва сифатли божхона хизматларини кўрсатиш, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратиш ҳамда экспортбоп экинларни жойлаштириш ва экспорт ҳажминини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

Хусусан, ишчи гуруҳнинг Фарғона вилояти Қувасой, Фарғона, Олтиариқ, Ёзёвон туманларидаги ўрганлишлари давомида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун яратилган шароит ва имкониятлар таҳлилдан ўтказилди ҳамда божхона ва қишлоқ ҳўжалиги оид янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди.

Айни чоғда аҳолига ер ажратиш тартиби, маҳсулотларни экспорт қилиш, сақлаш ва юклашга ихтисослаштирилган инфраструктураларнинг ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қолаверса, тегишли қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашга масъул давлат органлари фаолияти, уларнинг қуйи тузилмаларида амалга оширилган ишлар, юзга келаятган муаммолар, қишлоқ ҳўжалигида хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳолати кенг таҳлил қилиниб, мутахассисларга зарур тавсиялар берилмоқда.

Худудлардаги ўрганиш якунлари Сенат қўмитаси мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Сенат қўмитасида КИБЕРХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС



Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида «Киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Самарқанд вилояти маҳаллаларида тadbirkорлиқни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш борасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан Марказий банк кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари, валюта биржалари ҳамда кредит бюраларига бўладиган кибертаҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш бўйича ваколатлар берилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, "Марказий банк тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Банк сирини тўғрисида", "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Электрон ҳўкумат тўғрисида", "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида" ҳамда "Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги қонунларга киберхавфсизлик билан боғлиқ янги меъёрлар киритилмоқда.

Сенаторлар фикрича, бу қонуннинг қабул қилиниши кредит ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида ҳамда электрон ҳўкумат тизимида ахборот хавфсизлигини қўлайитириш имконини бeради. Мажлисида қўмита аъзолари томонидан парламент назорати доирасида Самарқанд вилояти маҳаллаларида тadbirkорлиқни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш юзасидан ўтказилган ўрганиш натижаси ҳам муҳокама қилинди.

Эътироф этилганидек, ҳудудда бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Масалан,

хоким ёрдамчилари томонидан "Онлайн маҳалла" платформасида 5441 та микролойиҳа ишга туширилиши натижасида 1,27 трлн. сўм йўналтирилиб, 23,5 минг ишисиз фуқаро бандлиги таъминланган. Даромад топиш истаги бўлган 298 та хонадон чорвачилик ва паррандачилик, 331 та савдо ва хизмат, 264 таси деҳқончилик ва иссиқхона йўналиши бўйича тadbirkорликка жалб қилинган.

Тadbirkорлар шу каби ижобий ишлар баробарида жойларда тadbirkорлиқни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинаётгани ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, Каттакўрган шаҳри, Пахтачи ва Каттакўрган туманларидан ўтган канал қирғоғида хизмат кўрсатиш ва дам олиш об'ектларини жойлаштириш ҳамда вилоят ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўлида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаган.

Мажлисида Самарқанд шаҳрида, Пастдарғом, Ургут, Иштихон, Нарпақ, Пайариқ ва Булғунгур туманларида тadbirkорларнинг мувожаатларини кўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганига ҳам ургу берилди.

Яқунда кўриб чиқилган масалалар Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига киритиладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

Гидроэнергетика соҳасидаги истиқболли келишувлар

Ўзбекистон ва Россия, аввало, ўзаро иқтисодий шериклар бўлса, бошқа томондан мамлакатларимизни тарихий, ижтимоий, гуманитар ва маданий алоқалар бирлаштириб туради.

Фикр

Охириги йилларда икки мамлакат Президентларининг саъй-ҳаракатлари ҳамда интилишлари туфайли алоқаларимиз қўламини кенгайтиб, сифати яхшиланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва узққни қўлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати босис қўлаб ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Натижада Россия Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий ва савдо ҳамкорларидан бирига айланди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифи бinoан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг юртимизга амалга оширган давлат ташрифидоирасида кечган жараёнлар ҳам ўзаро ҳамкорлик даражасининг янада юксалишидан дарак бермоқда.

Масалан, "Русгидро" АЖ юртимизда гидроэлектр станцияларини модернизация қилиши режалаштириб олган.

Шу ўринда "Русгидро" ҳамда "Ўзбекгидроэнерго" ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Негаки, бу ҳўжат Россия компанияси томонидан Ўзбекистонда гидроэнергетикани ривожлантириш дастурида иштирок этиш имкониятларини ўрганиб чиқишни назарда тутди.

Маълумот учун: бугунги кунда Ўзбекистон гидроэнергетика соҳасида Россиянинг Ташқи иқтисодий банки молиявий кўмағида 5 та лойиҳа амалга ошириляпти. Янги минигЭСлар (Дарғом каналлида, Қўйи Чотқол ГЭС таркибидa), амалдаги Фарход ва Тўполан ГЭСларининг модернизацияси шулар жумласидандир. Айни чоғда гидроэнергетика соҳасида яна қатор лойиҳалар бўйича ҳамкорлик масаласи муҳокама қилинмоқда. Мисол учун, яқин истиқболда Бўстонлиқ туманидаги Пском дарёсида қуввати 248 МВт бўлган ГЭСни қуриш мўлжалланган.

Музокаралар жараёнида Тахтақўпир туманида қуввати 500 МВт бўлган Каратерен ГТЭС ва Жиззах вилоятининг Форис туманида қуввати 300 МВт бўлган Айдарқул ГТЭС қурилиши маълум қилинди. Қолаверса, Сардоба сув омборида 7,5 МВт бўлган қишқик ГЭС лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Айни вақтда Россия Федерациясининг "Институт Гидропроект" АЖ ва узимизнинг "Гидропроект" АЖ томонидан мазкур лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Умуман олганда, икки давлат етакчилари энергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар ҳажминини бир неча баробар қўлайитириш ва улар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан келишиб олдилар. Ва бу саъй-ҳаракатлар яқин истиқболда ўз самарасини бeриши, шўбҳасиз.

Муҳими, келишувларга эришилди, тегишли ҳўжатлар имзоланди. Эндиликда биз, халқ вакилларидан шу ҳўжатларда кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда мутасаддиларга яқиндан қўмаклашиш талаб этилади.

Абдуғани САНГИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Рим шаҳрида «Италия — Марказий Осиё» вазирлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Б. Саидов иштирок этди.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

Ҳаётимасалалар, халқчил нормалар

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Тарбия инсоний кадр-қимматни қамситувчи муомаладан холи бўлиши зарур

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг шу йил 26-27 май кунлари мамлакатимизга давлат ташрифининг аҳамияти эътибор қилиниши, унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар тўплами эса икки томонлама муносабатларда янги даврни очишни алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлик муносабатлари кенг қўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда, — деди ҲўлиДеп фракцияси аъзоси Умида Зокирова. — Ташриф доирасида Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академиясининг филиалларини очиб бўйича келишувларга эришилган эътиборга молик. Шубҳасиз, бу, ўз навбатида, таълим ва техник ёрдам соҳасидаги ҳамкорлик узоқ муддатли истиқболда ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Йиғилишда, шунингдек, "Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофида муҳомада қилинди.

Хусусан, фракция аъзоси Файрат Абдиев қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, мамлакатимизда болаларга гамжурлик қилиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқлари ҳимоясига давлат сиёсати даражасида қатъи эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Депутатнинг айтишича, лойиҳада болаларни зўравонлиқдан ҳимоялашда ота-оналарнинг иштироки ва уларнинг мажбуриятлари ҳам белгиланмоқда. Қолаверса, ота-оналарнинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний кадр-қимматни қамситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Муҳомада чоғида фракция аъзолари қонун ташаббускорларига лойиҳадagi айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди. Батафсил тушунтиришлардан сўнг, ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Аҳоли манфаатлари ва ижтимоий ҳимояси кафолати

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Янги

таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳомада этилди.

Маълум қилинганлики, Бош қомусимизга давлат бошқаруви, инсон ва жамият ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари билан боғлиқ киритилган нормаларни жамият ҳаётида, жумладан, қонун ҳужжатларида акс эттириш тақозо қилиняпти. Шу мақсадда ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси билан жами 28 та қонун ҳужжатига ўзгартириш киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, Конституциянинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мақеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги оид норма белгиланганидан келиб чиқиб, 22 та қонунчилик ҳужжатининг тегишли моддаларига янги таҳрирдаги Конституцияга матнни мувофиқлаштириш нўқъати назаридан ўзгартиришлар киритилаёпти.

Муҳомада давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унда назарда тутилаётган айрим ўзгартиришлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Йиғилишда қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг худудий бўлинмаларининг таъйин, тарбия ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва болалар билан ишлаш бўйича ваколатлари белгиланмоқда. Шунингдек, бу борада ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини мажбурий тартибда агентлик билан келишиш кўзда тутилган.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Агентлик ваколатлари белгиланмоқда

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турла-

рини кенгайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни таъйин ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда. Ҳўгалар парваршига муҳтож ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга йўналтирилган ҳоймийлик маблағларини солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган ҳаҷражатлар жумласига қўйиш назарда тутилапти.

Фракция аъзолари қайд этганидек, партия сайловолди дастурида Ўзбекистоннинг эркинлик, иқтисодий тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳужмронлик қилмагани, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли "ижтимоий давлат" сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган мамлакатлар қаторига қўйишига эришиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг бу борадаги муҳофазасини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар партия мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг эканлигини қайд этдилар. Шундан келиб чиқиб, лойиҳани янада тақомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича тақлифлар берилди.

Муҳомадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Қимлар давлат божини тўлашдан озод қилинади?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Бу ҳужжат билан Солиқ кодексини ҳамда 7 та қонун ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда. Хусусан, оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб хавфи юқори бўлган шахслар ва оилалар манфаатларини кўзлаб қилинган давлолар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат этилганда давлат божини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмоқда. Ҳўгаларнинг парваршига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақтни иш стажига қўйиш ҳисоблашда давлолар муассасасининг ҳулосасини чиқариб ташлаш, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни таъйин ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилаш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг йўқолиши ёқуд яқорисиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси (биометрик паспорти)ни алмаштириб беришда ҳамда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари директорларининг

қарорига асосан муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги ўй-жой фондида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга қўйилганда давлат божидан озод қилиш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси ҲўХДП электорати манфаатларини ҳимоя қилишига қаратилгани туфайли ҳам депутатлар томонидан ҳужжати янада тақомиллаштириш юзасидан тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилган, у бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Энди болаларга ҳам химоя ордери берилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳомада марказида бўлди.

Қонун лойиҳаси билан болаларни зўравонликдан ҳимоя этиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилляпти. Бунда мажкур орган ва ташкилотларнинг бу борадаги фаолияти Болалар масалалари бўйича миллий комиссия томонидан мувофиқлаштирилиши, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги комиссиянинг ишчи органи, қолаверса, қонун ижросини таъминлаш бўйича ваколатли орган сифатида белгиланиши тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, болаларга нисбатан зўравонлик шаклларида таъриф берилиб, уларни содир этишни тақиқлаш, қонунга биноан таъйиб қилиниши ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси билан илк бор янги институт — болаларга ҳимоя ордери бериш тақлиф этиляпти. Ордер ваколатли орган томонидан зўравонликдан жаҳрланувчининг қонуний вақлига ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахсга ҳамда зўравонликдан жаҳрланувчининг ўзига берилади.

Йиғилишда фракция аъзоси Наврўз Юсупов қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, уни иккинчи ўқишга таъйерлаш жараёнида депутатлар берган тақлифлар лойиҳа матнида акс этганини эътироф қилиб, ҳужжат болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига мурасасиз муносабатда бўлиш, зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлиқнинг муқарраллигини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасида белгиланмаётган нормалар атрофида муҳомада қилиниб, фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида парламент назоратида оид бир қатор масалалар ҳам қўриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва давлат мақсадида жамғармалари бюджетларининг ўтган йил яқунлари ҳамда 2024 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар эшитилди ва қўллаб-қувватланди.

"Халқ сўзи".

«UzTextileExpo Spring — 2024»:

ХОРИЖ БОЗОРЛАРИ САРИ КЕНГ ЙЎЛ

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказиш йўлида катта савй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Пойтахтимизда ўтказилган «UzTextileExpo Spring — 2024» халқаро тўқимачилик ва мода саноти кўргазмаси ана шу мақсад йўлида маҳаллий корхоналарнинг хориж бозорларига кириб боришига кенг йўл очиши билан аҳамиятли бўлди.

Кўргазма



Кўргазмада тўқимачилик маҳсулотлари экспортни етакчи ўринларни эгалловчи 7 та давлатдан 250 дан зиёд компаниялар иштирок этди. Улардан 60 таси ўзимизнинг маҳаллий брендларидир. Чет элик ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига талаб ва тақлифни ўрганишга келишганини яширишмади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётининг драйвер тармоғини хорижий ҳамкорларга намойиш қилиш учун яна бир қулай имкониятидир.

— Ўзбекистон биз учун янги ва ривожланиб бораётган бозор, — дейди хиндистонлик ишбилармон Раван Агарвал. — Бу ерда янги ҳамкорларни топди ва улар билан шартномалар имзолади. Ниятимиз яқин истиқболда экспорт ҳамини ошириш бўлиб, мажкур кўргазма бу интилишларимизни рўёбга чиқаришда янги ва қулай имкониятларни тақдим этди.

Кўргазма доирасида семинарлар, форумлар, В2В учрашувлари бўлиб ўтди, мода ва саноят коллекциялари намойиш қилинди. Шунингдек, етакчи дизайнерлар ва соҳа мутахассисларининг маҳорат дарслари, бизнес ва пресс-турлар ташкил этилди.

Фахридин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ЯШАШ БАХТИ

Таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Халқ сўзи" газетасида (2024 йил, 22 май) чоп этилган "Шавкат Мирзиёев: мен умримни шу халққа тикманман!" сарлавҳали мақоласи кенг жамоатчиликда, хусусан, ҳар бир зйёли ва илм аҳлида катта таассурот қолдирди.

Мақолани ўқирганимиз, жаннатмонанд шу юрт, унда умргузаронлик қилаётган халқларнинг ёлгонга йўрилган кечаги куни ўтмишга айлангани, бугунги адолат, эркинлик ва ошқоралик шабадаси шуурингизни чулғайди. Мақолада жафоак халқимиз нақадар сабр-тоқатли экани ёрқин тасвирланган. Ва бу тасаввулар ортида, ўз халқига, унинг келажоғи — ёш авлодга, илм-маърифат узоғи бўлган таълим масканларининг таянчи бўлиши камтарин МУАЛЛИМга ёқозу эҳтиром кўрсатган, унинг буқилган қаддио топталган ҳурматини тиклаган улўг шахс намоеён бўлади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сиймосидир.

Акс садо

Сўзимизнинг исботи учун мақолдан иқтибос келтираймиз: "Тараққийнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Бу жараёнда ўқитувчиларнинг мақеини юксалтириш бўйича улкан ишлар қилинди. Ўқитувчи ва ўқувчилар юқориди айтганимиздек, пахта терими, дала юмушлари, ободонлаштириш қурилиш ишлари каби ҳар қандай турдаги мажбурий меҳнатдан, яна ҳам аниқроқ айтганда, "текин мардикор"ликдан озод қилинди".

Муаллим тақкидлаган бу жараён бир ёки икки йил эмас, нақд 25 йил давом этди. Муаллимнинг барбод бўлган умри, касби, билим ва тажрибаси ҳеч кимни қизиқтирмади. Шу боис мақолада баён этилганлики, тажрибали ва билимли муаллимлар, профессор-ўқитувчилар тайинли маош, соғлом муҳит йўқлиги, ишлаш шароити оғирлиги боис бирин-кетин мактаблар ва ОТМНИ тарқ эа бошлади. Кимдир, рўзғор тебратиш учун дипломни сандик тубига ташлаб бозорга бош сунди, бошқаси муносиб иш умидида қўшни давлатларга йўл олди.

Умрини илмга, таълимга бағишлаган инсон сифатида айтаманки, бу ишлар кўз ўнгимизда, юрагимизда алам ва изтироб билан кечди.

"Қўлга келган тўй" Қорақалпоқ давлат университетини ҳам четлаб ўтмади. Ўқитувчининг илмий фаолиятини ривожлантиришга ўрнатилган ҳар хил чеклов-

лар, мажбурий меҳнат, қолаверса, ойлик маош хаминқадар эканлиги туфайли билимли, ғайратли устозлар бу даргоҳни тарқ этди...

Шуқри, бугун у кунлар ўтмишга айланди. Ўқитувчи меҳнати қадр топа бошлагач, университетда ёш профессор-ўқитувчилар сафи йил сайин кенгайиб, илмий ишлар кўлами ортиб борапти. Бундан саккиз йил муқаддам бор-йўғи 3 та фалсафа доктори (PhD), 2 та фан доктори (DSc) илмий даражаси ҳимоя қилинган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич фалсафа докторлигида 51 тани, фан докторлигида эса 5 тани ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида 29 нафар олимимиз илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўқитувчи-профессорларнинг ойлик маошлари бир неча баробар ошди.

2017 йилгача университетда биргина филология йўналишида илмий даража берувчи кенгаш фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб иқтисодиёт, тарих, биология, қиёсий тилшунослик, география ва юридик фанлар бўйича 10 та иختисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда университетимизда илмий унвонга эга бўлган 338 нафар профессор-ўқитувчи ёшларга билим бермоқда.

Айтиш жоизки, 2016 йилдан кейин янги даврни бошлаб берган Ўзбекистон раҳбарининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини бугун халқаро ҳам-жамят эътироф этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси туфайли бугун Марказий Осиё минтақасида амалий ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Аънавий шериклар асосида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш, глобал ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирларига қўшилиш, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, бўл билан доимий мулоқот тизимини



жорий этиш, ташқи меҳнат миграцияси тизимини тақомиллаштириш, хорижда меҳнат фаолиятини йўритаётган фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш каби долзарб масалалар юртимизда "Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун" тамойилига асослангани билан аҳамиятлидир.

Бугун жаҳон ҳамжамиятини денгиз ва кўларнинг қуриши ва нобуд бўлиши муаммоси ташвишга солмоқда. Булар Яқин Шарқда Ҳўлик денгиз, АҚШда Оуенс денгизи ва Катта туз кўли, Африкада эса Чад денгизи, Мексикадаги Чапал кўли, Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган Орол денгизи.

Бу инсонпарварлик сиёсати қорақалпоқ халқи ҳаётида ҳам акс этмоқда. 2016 йилдан кейинги даврга назар солсак, бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Биргина Оролбўйи минтақасида соғлом турмуш тарзи ва атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бунга ҳар биримиз гувоҳимиз.

Бугун жаҳон ҳамжамиятини денгиз ва кўларнинг қуриши ҳамда нобуд бўлиши муаммоси ташвишга солмоқда. Булар — Яқин Шарқда Ҳўлик денгиз, АҚШда Оуенс денгизи ва Катта туз кўли, Африкада эса Чад денгизи, Мексикадаги Чапал кўли, Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган Орол денгизи.

Тўғриси, Орол мустақиллиқнинг дастлабки йилларидақон нафақат халқимизнинг, балки бутун бошли минтақанинг ҳақиқий фожиясига айланди. Лекин бу, афсуски, жуда озчиликни ташвишга солди. Қолганлар уни курак вафадар билан безадди. Экологик ҳафд эса йилдан-йилга ортиб борди. Денгизнинг инқирози туфайли худуд аҳолисининг ҳаёти кескин ёмонлашди, иқлим салбий томонга ўзгарди.

Шавкат Мирзиёев 75-сессиясидаги нутқида қорақалпоқ халқининг ана шу аламли дардини ошқора изхор этди. Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди, деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурди ва бу бўйича мажсус резолюция қабул қилинишига эришди. Бундай жасорат ва ташаббус, қатъият фақат ўз халқини яқши кўрган кишидагина мўжасам бўлади.

Умуман, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган дастлабки пайтданқо Қорақалпоғистондаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга астойдил бел боғлади, десак, айни ҳақиқат. Бунга ҳаётимисоллар жуда кўп.

Масалан, биргина Мўйноқ масаласида тўхталадиган бўлсак, минтақа

мактаблар таъмирланмоқда, ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш йўлга қўйилляпти.

Буларнинг барчаси айнан Президент илгари сураётган гоё ва ташаббусларнинг халқ кўзи ўнгидидаги рўбидир.

Яна бир тарихий воқеалик — Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 29 феврал кўни Ҳоразм вилоятига ташриф буюриганида дастлаб, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманига бориб, янги кўприқнинг очилиш маросимига иштирок этгани. Президентимиз бу ҳақдаги ташаббусни 2020 йил 13 декабрь кўни Ҳоразм вилоти фаоллари билан учрашувда илгари сурганини кечагидек яқши эслайман.

Уша йиғиндан кейин пухта лойиҳа ишлаб чиқилиб, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу орада давлатимиз раҳбари унинг қурилишини икки бор келиб кўрди. Юқориди айтилган кўни эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Ҳоразм вилоти фаоллари иштирокида янги кўприқнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Президент дастлаб поезлда ва автомобилда юриб, кўприқ сифатини кўздан кечирди. Жамоатчилик иштирокидаги йиғилишда бу лойиҳанинг самарадорлиги, аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

— Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолимизга қулай шароитлар яратиш мамлакатимиз тараққийёт стратегиясининг бош мақсадлирдан биридир. Илгари ҳам айтганимиздек, Қорақалпоғистоннинг тақдирини — бу Ўзбекистоннинг тақдирини, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлиғидир. Бугун мана шу эзгу мақсадини амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хуллас, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқулона сиёсати туфайли бугун бир пайтлар орзу ҳам қилиб бўлмайдиган оятуқларга эришмоқдамиз. Халқимиз эса фақат бугуни билан яшамайди. У Ўзбекистон 2030 йилга бориб тараққий этган дунё мамлакатлари орасида юқори поғоналарни эгаллайди деган кўтулўғ ният билан олдинга интилимоқда. Юртимизда кечаётган ислохотлар, мавжуд имконият ва кучли салоҳият, халқимизнинг давлат сиёсатида бўлган ишончи ва хайрихоҳлиги ана шундай юксак мақсадлар қўйиш, уларни амалга оширишга асос бўлади, албатта.

Аҳмед РЕЙМОВ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, академик.

Хитойнинг хориждаги корхоналари уюшмаси (CODA) томонидан XIV Хитой халқаро инвестиция форуми ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Бугун — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни

Ўзингизга атайлаб бераётган жабр қачон тугайди?



Хар йили дунё бўйлаб нишонланадиган Халқаро кашандаликка қарши кураш кунида инсонларни ана шу иллат домига тушишдан асрашга қаратилган, оғоҳликка чорловчи турли тадбирлар ташкил этилади. Тамаки маҳсулотлари истемьомининг инсон саломатлигига салбий таъсирини оид тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилади.

Хўш, тамаки маҳсулотларини истемьом қилиш инсон учун қанчалик зарар? Чекишдан воз кечиш мумкинми? Бунинг йўллари қандай? Шайхонтоҳур туманидаги 47-оилавий поликлиника мутахассиси, олий тоифалии терапевт Гулҷоҳра ОРТИҚОВАдан шу каби саволларга жавоб олдик.

— Ҳозирги кунда тамаки маҳсулотларининг тури ва шакллари кенг тарзда тарқалиб бораётгани бор гап, — дейди у. — Натижада нафақат катталар, балки ёшлар орасида ҳам сига-рета чекишга қизиқиш ортомқоқ. Бу эса, ўз навбатида, келажакда инсон организмда жиддий касалликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Аёнки, тамаки маҳсулотлари ни истемьом қилиш одамда ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши, ўпка, юрак ва қон томир билан боғлиқ турли хасталиқларни келтириб чиқаради. Чекидиган инсонларда, айниқса, саратонга чалиниш эҳтимоли юқори бўлади. Биласизми, бу касаллик охир-оқибат ўлим билан якунланади. Бундан ташқари, чекидиган одамларнинг иммунитетети пасаяди, доимий ҳолсизланади, иштахаси ҳам оддий инсонларникидек бўлмайди. Шунингдек, озиб кетиш, тил ва тангалари куриши, чанқаш ҳам чекишнининг салбий оқибатлари бўлади. Бундай одамларда ўз-ўзини хайта қизиқиш камайиши, истаган режа ва мақсадларини амалга оширишга

штиёқий йўқолиши турган гап. Дарҳақиқат, тамаки маҳсулотларини истемьом қилиш инсонга фақат ва фақат зиён келтиради. Атрофни қузатсак, сўнги йилларда электрон сигареталарга қизиқиш ошганига гувоҳ бўламиз. Кўча-қўйда, ҳатто мактаблар олдида уялмай-нетмай, яшириб ўтирмай чекаётган болалар айниқса, одамнинг дилини хира қилади.

Бу муаммони бартараф этиш мумкинми? Албатта! Бунинг учун, биринчи гада, тегишли органлар тартиб-интизомни қўйиб, ота-оналар, жамоатчилик назорати олиб борилиши зарур. Мутахассислар, маҳалла фаоллари ҳамкорликда мактаб ва оилада тушунтириш ишларини йўлга қўйиши, шунингдек, болаларни кашандалик оқибатларидан мунтазам хабардор қилиш, уларни турли тадбир ва спорт мусобақаларига жалб этиш мақсадга мувофиқ.

“Чекишни ташлаш мумкинми?” деган савол ҳамма ҳамма чекувчиларни қизиқтириб келади. Хўш, ростдан ҳам бунинг иложи борми?

Тамаки маҳсулотлари истемьомидан воз кечиш чекувчилар учун бирмунча машаққатли ва оғир ишдир, аммо бу чекишни ташлашнинг иложи йўқ дегани эмас. Сигарета чекишдан воз кечиш учун биринчи гада инсонда ирода мустаҳкам бўлиши даркор. Одатда, чекувчилар вақт ўтган сайин бу оғуни янада кўпроқ истемьом қилишни истайдди, дозани ошириб боради. Ҳар кунги сигарета чекидиган инсон бирданги чекишдан воз кечолмайди, бунга аста-секинлик билангина эришиш мумкин. Афсуски, сўнги пайларда баъзи одамлар чекишни ташлашга деб ўзбошимчилик билан турли дорилардан фойдаланмоқда, пиролардан ўзига бошқа бир касалликни орттириб олмақда. Тама-

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси **Масруф ТОҶИБОВ** ёзиб олди.

Самарқанд саяёхати нурунийларга куч бағишлади

“Нуруний” жамғармаси Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан вилоят марказида яшовчи кекса авлод вакилларининг Самарқанд шаҳридаги қадимий маданий-меъморий обидалар ва зиёратгоҳларга саяёхати уюштирилди. Унга шаҳардаги 36 та маҳалладан 50 нафар нуруний қамраб олинди.

Туризм

Навоийликлар дастлаб буюк бобокалонимиз Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда унинг ҳаёти, буюк давлат арбоби сифатидаги ҳамда саркардалик фаолияти ҳақида янги маълумотларга эга бўлди. Шундан сўнг, бугун ҳақонда маълумот машур Регистон ансамблидаги Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари билан яқиндан танишилди.

Саяёхатчилар Улуғбек расадхонасида ҳам бўлишти, Шоҳи Зинда ёдгорлиги ҳамда мамлакатимизнинг биринчи Президенти Исрол Каримов дафн этилган Ҳазрати Хизр масжидини зиёрат қилишти. Шунингдек, Шарқ гунаҳари сифатида тан олинган қадимий ва ҳамма навқирон шаҳар-

да мустақиллик йилларида амалда оширилган оламшумул ўзгаришлар билан танишилди.

— Самарқандга саяёхат бир олам таассурот қолдири, — дейди Навоий шаҳридаги Маърифат маҳалласида яшовчи Тўхтаюн Каримова. — Мамлакатимизнинг қадимдан дунёнинг йирик маданияти-маърифий ва тарихий марказларидан бири саналган Самарқанд шаҳри алим билан дийдорлашиб, яна бир бор кечисиз фахру гуруру туйдим. Қадим кентда кўрганларим, бу ерда ҳорижий сайёхларнинг тобора кўпаяётгани эса Ўзбекистонимизга бутун дунёда қизиқиш янада ортаётганидан далолат бериб турибди.

Олим ХҲАЕВ.



Яқинда жанубий вилоятларнинг тоғли туманларида чигирткалар кўпайиб кетгани ҳақида хабарлар тарқалди. Бундан аҳоли, айниқса, чорвадор ва деҳқонлар ҳавотири органи рост. Қаҳқатда чигирткалар ёпирилиши табиятта ҳалокатли таъсир кўрсатиши оқибатида ҳақатчилик кузатилганига тарихда мисоллар жуда кўп. Чунки фақат ўсимликлар билан озиқланадиган ушбу тур нафақат яйловларни, балки йўлдан учаган катта-катта майдонлардаги дон ва сабзавот экинларини ҳам еб битиради.

Табиат ва инсон

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан 2024 йилда 574,8 гектар майдонда бир неча турдаги тўда бўлиб ҳаракатланувчи чигирткаларга қарши кураш чораларини кўриш, анкироги, қимёвий ишлов ўтказиш кераклиги башорат қилинган эди. Зарур техника воситалари шай ҳолга келтириб қўйилгани боис тезкор чоралар кўрилди. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги маълумотларига қараганда, ҳавф бартараф этилди. Жойларда зарарли ҳашаротлар ўчоқларини аниқлаш ва йўқ қилиш чоралари давом этипти.

Дунё озиқ-овқат саноатида муҳим ҳомашё

Аслида, она табиятда кераксиз нарсанинг ўзи йўқ. Биз зарарли деб ҳисоблайдиган чигирткалар ҳам турган-битгани қони фойда. Фақат ундан тўғри фойдалана олишимиз зарур. Ана шунда бу митти ҳашаротлар экспортбоп маҳсулотга, мўмай даромад манбаига айланади.

Келинг, бир бошдан тушунтирамиз. Чигиртка биологияси ва унинг турларини ўрганувчи акридология фанидан аёнки, чигирткалар “Caelifera” туркумига мансуб бўлиб, унинг энг кўп тарқалган оиласи “Acrididae” ҳисобланади. Тахминан 8000 турга яқин чигирткалар мавжуд бўлиб, шундан икки тури Ўзбекистонда учрайди. Табиатда “Acrididae” (чигирткалар) ва “Romaleidae” (ёғоч чигирткалар) турлари кенг тарқалган.

Бугунги кунда уларнинг 10 га яқин турлари озиқ-овқат саноатида муҳим ҳомашё ҳисобланади. Анкироги, Ер юзиде тахминан 2 миллиарддан ортки кишилар чигирткадан тайёрланган таомларни севиб истемьом қилади.

БМТ маълумотларига кўра, кейинги пайтда дунё бозориде ҳашаротлардан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Йиллик ўсиш суръати ўртача 38 фоизни ташкил қилади. Негаки, чигирткалар тўйимли, мазали ва ҳавфсиз озиқ-овқат сифатида эътироф этилади.

Дарҳақиқат, чигиртка инсон саломатлиги учун ўта фойдали ҳамдир. Бошқа жониворлар гуштурларидан фарқи ўлароқ, кўчиб юрвчи ва чўл чигирткалариде 0,8-2,4 мг/кг. организм учун зарур “D3” витамини, шунингдек, “А” ва “Е” витаминлари мавжуд. Кўчиб юрвчи чигирткаларнинг 100 граммиде

ЧИГИРТКАНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ЭМАС, ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИШ КЕРАК

Биз зараркунда деб атайдиган бу ҳашарот баъзи мамлакатларда аҳолининг энг сеvimли таоми эканини биласизми?

яриморолида, хусусан, Саудия Арабистонининг Ал-Қассим минтақасида чигирткалар истемьомли ортиб кетган. Чунки кўпга саудияликлар уларни соғлом овқатланиш таомийлига мос келиши ва организмга жуда фойдали эканлигини яқин билишади.

Мексика таомлари ҳақида ўйлаганин- гизда, ҳаёлингизга нима келади? Насч, тортиллар, чоризо, чуррос ва чили катлапери. Аммо мамлакатнинг айрим ҳудудларига саяёхат қилсангиз, ҳашаротлардан тайёрланган ноёб таомларни ҳам топишингиз мумкин. Бунга шоколад билан қопланган чигирткалар, конфет билан қопланган куртлар ва сарйёғ билан намланган чумоли тухумлари кирати. Агар сиз ўзингизни ҳақиқий Мексика байрамида ҳис қилмоқчи бўлсангиз, албатта, ширинлик-

Ишга солинмаган улкан имконият

Олимларнинг фикрича, Ўзбекистон икким шароити чигирткаларни кўпайтириш учун қулай ҳудуд бўлиб, ундан озиқ-овқат маҳсулотли сифатида фойдаланиш истиқболли. Бу, айниқса, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, гастрономи туризмни ривожлантириш учун жуда муҳим ҳисобланади. Бизнингча, бу тармоқ ишга солинмаган улкан имкониятдир.

Тасдиқланган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Европага чигиртка Вьетнам ва Таиланддан олиб келинади. Бу



Чигирткалар оддий гуштдан кўра тўйимли, ҳатто ноёб озиқ моддаларга анча бой эканлигини таъкидлаб ўтдик. Уларда “омега-3” ва “омега-6” ёғ кислоталари ва юрак касалликларининг олдини олиш учун муҳим бўлган бошқа стероллар мавжуд, шу билан бирга, паст холестеринга эга.

лар учун шоколадли чигирткалар ёки ҳашаротлардан тайёрланган шароб тақдим этилади.

Австралияда чигирткалар “Само қисқичбақалари” дея севиб истемьом қилинади. Қизик томони шундаки, 2004 йилда Австралиянинг айрим ҳудудларида чигирткалар тўдаси экинларни вайрон қилади. Маҳаллий аҳоли ушбу ҳашаротларни ейиш орқали ўч олмоқчи бўлишади. Чигиртка ейишни бошлаш гоёси мамлакат раҳбарияти томонидан олқишланади. Кўп ўтмай, “Само қисқичбақалари пишириқлари” ошхона китоби нашр этилади. Унда бир эмас, балки 20 та чигирткали таом рецепти мавжуд. Овқатлар орасида чигирткали чучвара, шоколад билан қопланган чигиртка ва ҳатто чигиртка бодроғи ҳам бор.

Кувайтда чигиртка тўйимли, мазали ва энергия тежайдиган оқсил манбаи сифатида севиб истемьом қилинади. Чигирткали таомлар уларни ярим соат давомда кайнатиш орқали тайёрланади ва кейин қўйимча димлаш учун яна пиширилади. Катта авлод вакиллари эса бу қанотли мавжудотларни ноёб озуқа сифатида йил давомида истемьом қилиш мақсадида қуришти, сақлаб қўйди.

Африканинг турли мамлакатлари аҳолиси ҳам чигирткаларни гоят хўш кўради. Найробиликлар уларни майдалаб, кундалик овқатлариде мунтазам ишлатишади. Масалан, чигирткалар яқинлаб қовурилади ва соус билан дастурхонга тортиқ қилинади. Шуниси қизиқки, найробиликлар бу тансиқ таомни меҳмонлардан қизганиб, бошқаларга бермасдан фақат ўзлари истемьом қилишади. Шунинг учун чи-

бобалар “А” витамини етишмаслиги сабабли кўзлари оғир бўлиб қоляпти. Но-тўғри овқатланиш билан боғлиқ семир-иш ва юрак-қон томир касалликлари, инсулт ва қандли диабет каби юқумли бўлган касалликлар тобора кўпайиб бормоқда.

Айтиш жоизки, анъанавий озиқ-овқат манбалари экологик жиҳатдан кўп ҳавф туғдирадиган неъматга айлиб қоляпти. Бу ҳол, ўз навбатида, ер ва сув ресурсларига катта юклама бўлиб, “иссиқхона газлари” чиқиндилари кўпайишига олиб келаетир. Бунда озиқ-овқат миқдори билан эмас, балки унинг сифати билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар талайгина. Масалан, АҚШда ҳар йили озиқ-овқатдан захарланмиш бўйича тахминан 40 миллион ҳолат қайд этилиб, 3 миңдан кўпиде ўлим кузатилади. Ушбу захарланишлар организмга озиқ-овқат билан бирга ҳам тизимига кирадиган патоген микроорганизмлар таъсири билан ҳам тушунтирилади.

Илмий фактларга қараганда, чигирткаларни саноат асосида инновацион усулда кўпайтириш орқали карбонат ангидриднинг ҳавога чиқиши кескин камади. Энг асосийи, инсон организми учун фойдали оқсиллар, гармон, витаминлар (“А”, “Д” ва “Е”), макро ва микроэлементлар манбаи кўпаяди.

Таркиби 50,9 фоиз сифатли оқсилдан иборат

Чигирткалар бир қанча фойдали ҳусустиятларга эга. Биз, тадиқотчилар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде чигирткаларни лаборатория шароитида ўрганиб, олган дастлабки физиологик ва молекуляр-биологик маълумотлар кўпчиликини ҳайратга солиши аниқ.

Гап шундаки, мазкур ҳашаротнинг таркиби 50,9 фоиз оқсил (асосан, ал-машинмайдиган сифатли оқсиллар), 17 фоиз ёғ ва углеводлардан ташкил топган. Чигирткалар товуқ, тухум ва лоявие каби бошқа ҳайвон ва ўсимлик манбаларига қараганда юқори оқсил миқдорига эга. Чигирткаларнинг ёғлари тўйинмаган ёғлар бўлиб, уни истемьом қилиш қондаги холестерин даражаси-

Яна бир тақлифимиз, университет ҳудудида туристлар ва чигирткахўр гурманлар учун чигирткали тансиқ таомлар тайёрловчи “Чигиртка - Locust” ресто-ранини очини тақлиф этамиз.

Янги Ўзбекистон шароитида чигирткаларни физиологик, биокимёвий, генетик, фойдали мақсадларда ишлатиш учун таъминот манбаларини ташкил этиш, уларнинг озуқавий қиймати тўғрисида кўпчиликни хабардор қилиш, ҳавфсизлик муаммоларини ҳал этиш, чигирткаларни самарали йиғиш ва қайта ишлаш қоидалари ҳамда технологияларини ишлаб чиқиш бу борадаги дастлабки, шу билан бирга, ўта муҳим қадам саналади.

Гулсара АҲМЕДОВА, ЎЗМУНИНГ Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси катта ўқитувчиси, биология фанлари бўйича фалсафа доктори, Одинахон САМАНОВА, Солиха НИЗОМЎЖАЕВА, биология факультети 2-курс талабалари, Янги Ўзбекистон ёш физиологлари мактаби аъзолари.

Пойтахтимизда академик, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, давлат муқофоти совриндори, маърифатпарвар иждокор Наим Каримов хотирасига бағишланган адабий тадбир бўлиб ўтди.

<p>Халқ сўзи</p> <p>Народное слово</p>	<p>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ</p> <p>2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Т — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.</p> <p>ТЕЛЕФОНЛАР:</p> <p>Девонхона 71-259-74-51; қотилбўғим 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.</p> <p>Газетанинг ҳақиқий маълумотларини оқибат олиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.</p> <p>ISSN 0013-0788</p>	<p>Тахриратта келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.</p> <p>Газетанинг қўлаёб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.</p> <p>Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.</p> <p>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.</p>	<p>• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Исрол Каримов кўчаси, 55-уй.</p> <p>Набатчи муҳаррир — А. Шерназаров. Мусаҳоҳ — С. Исломов.</p>
--	---	--	--